2015 йил 14 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (12.979)

Баҳоси эркин нархда

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!




## ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: ЯРАТУВЧАНЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ САМАРАЛАРИ

***Истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллик муборак санаси Чилонзор туманида ҳам ўзига хос байрамона шукуҳда катта тантаналар билан кутиб олинмоқда. Туманнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари қизғин кетмоқда. Туман ҳудудини айланар эканмиз Чилонзор шаҳримизнинг энг кўркам ва хушманзара масканларидан бири эканлигига яна бир бор амин бўлдик.***

Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган кўркам бинолар, гуллар ифори анқиб турган янгитдан қурилган маҳалла гузарлари, тўлиқ таъмирдан чиқарилган ўқув муассасалари ва муҳташам иншоотлар мажмуасида тинчлик куйлари янграб, болажонларнинг шодон кулгулари жаранглаб турибди. Бу бахтиёрлик, фаровонлик ва тинчлик — мустақиллик берган энг улкан туҳфадир.

Умумий майдони уч минг гектарни ташкил этган туманда 240 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туман ҳудудида 48 та маҳалла, 132 та ижтимоий соҳа объектлари мавжуд. Шунингдек, 13 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей, 32 та умумтаълим мактаби, 54 та мактабгача таълим муассасаси, битта Меҳрибонлик уйи, 2 та боғ, учта олий таълим муассасаси, 7 та оилавий поликлиника, 7 та шифохона, 6 та маданият уйи, 2 та театр, битта музей ҳамда битта санъат саройи фуқароларга ижтимоий, маданий, маърифий, тиббий соҳаларда хизмат кўрсатиб келмоқда.

2015 йилнинг ярим йиллигида туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 627,8 миллиард сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати юз фоизга бажарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 111,8, асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажми 112,3, чакана савдо айланмаси режаси 116,9 фоизга ортиғи билан уддаланди. Жами хизматлар ҳажми 1246,4 миллиард сўмни ташкил этиб ўсиш суръати 116,9 фоизга, пуллик хизматлар ҳажми 328 миллиард сўмни қамраб олиб, ўсиш суръати 112,2 фоизга бажарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса ишлаб чиқариш 94,7 фоизни ташкил этди.

Чилонзор туманида 1142 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 345 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг ўтган етти ойида 38 та уйнинг том қисмлари мукаммал, 443 та уйнинг том қисми жорий таъмирдан чиқарилди. 443 та йўлак эшикларига кодли қулф ўрнатилди, 21 та болалар майдончалари қурилиб, 70 тасида таъмирлаш ишлари якунланди.

2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида уй олди ва ички йўлакларни таъмирлаш учун банклар томонидан 1144,0 миллион сўм кредит ажратилди.

Сўзимизни мухтасар қиладиган бўлсак Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигини ҳар жабҳада улкан ютуқлар билан муносиб кутиб олиш Чилонзор тумани аҳлининг кўнглидаги эзгу ниятдир.

(Чилонзор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 30 июлдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 15-16 октябрь кунлари Тошкентда XI Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.***

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу йирик пахта форуми ҳар йили юксак савияда ташкил этилмоқда. Бунга бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз пахта саноатини таркибий ўзгартириш бўйича янги серҳосил ғўза навларини яратишдан тортиб, халқаро талаблар асосида тола тайёрлаш, ишлаб чиқариш, уни сақлаш, сифатини стандартлаштиришни ташкил этишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган комплекс хусусиятга эга чора-тадбирлар туфайли эришилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида етакчилардан биридир. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси таркибида 98 пахта тозалаш заводи, чигитни экишга тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган цехлар, таъминот тармоқлари ва бошқа ёрдамчи бўлимларни бирлаштирувчи 13 ҳудудий акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда. Уларнинг изчил модернизация қилиниб, техник ва технологик янгилаб борилаётгани ҳар йили 3 миллион тоннадан ортиқ пахта тайёрлаш ва пахтани қайта ишлаш натижасида йилига 1 миллион тоннадан зиёд тола, 1,6 миллион тоннага яқин чигит, 80 минг тонна линт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Селекция ва сифатни назорат қилиш ишларини такомиллаштириш бу борада муҳим омил ҳисобланади. Чунончи, сўнгги йилларда мамлакатимизда юздан зиёд янги ғўза нави яратилиб, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилган ва айни пайтда мамлакатимиз далаларида етиштирилмоқда.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорликда пахта толаси сифатини ошириш мақсадида пахта хомашёси ва тайёр маҳсулотларни таснифлаш тизимини такомиллаштирди. Яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 январдаги "2013-2017 йилларда "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Uster HVI 1000" юқори унумдор автоматик тизимини жорий қилиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

## ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Ҳисобот даврида мамлакатимизда 15 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 28,9 фоиздан 31,4 фоизгача, бандликда – 76,8 фоиздан 77,2 фоизгача ўсгани бунинг тасдиғидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, бизнес муҳитини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорларнинг хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Палата томонидан чет эл капитали иштирокидаги 34 қўшма корхонани ташкил этишда ёрдам кўрсатилди. 84 корхонага хориждан тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини оширишга хизмат қиладиган умумий қиймати қарийб 23 миллион долларлик технологиялар сотиб олишда, 85 давлат корхонасига умумий қиймати 18,7 миллион долларлик маҳсулотлар экспортида кўмаклашилди.

Корхоналарни модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйишда тадбиркорлар учун ташкил этилаётган кўргазма ҳамда бизнес учрашувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ташкил этилган 91 кўргазмада маҳаллий ва хорижлик ишбилармонлар томонидан 65 савдо битими имзоланди. Палата кўмагида юзга яқин тадбиркор Германия, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва Россияда ўтказилган кўргазма-ярмаркаларда қатнашиб, 34 битим тузди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларида амалга оширилаётган текширувларда Савдо-саноат палатаси ходимлари ҳам иштирок этмоқда. Ўтган даврда мингдан ортиқ режали ва режадан ташқари текширувлар жараёнида қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилмади.

Матбуот анжуманида тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ахборот-маслаҳат марказлари фаолияти, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Андижонда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**
- **"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги Бухоро вилоятида ҳам давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тиббий кўрикнинг галдагиси Қоракўл туманида бўлиб ўтди. Унда тажрибали шифокорлар – кардиолог, офтальмолог, терапевт, ортопед, нейрохирург, травматолог, педиатр ва бошқа мутахассислар турли ёшдаги аҳоли вакиллари саломатлигини текширувдан ўтказди.**
- **"Жиззах" махсус индустриал зонасида тежамкор электр чироқлари ишлаб чиқарадиган "Yorqin Chiroqlar" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди. Йилига 2,5 миллион дона ёруғлик диодли тежамкор электр чироқлари ишлаб чиқариш қувватига эга ва умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ долларилик ушбу лойиҳа "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Жанубий Кореянинг "Owell" корпорацияси ҳамкорлигида бунёд этилди. Корхонада жорий йилнинг учинчи чорагида 21 минг донадан зиёд тежамкор лампа ишлаб чиқариш режалаштирилган.**
- **Фарғонада теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида "Fergana Cup – 2015" халқаро турнири бошланди. Мамлакатимизда теннисни янада оммалаштириш, ёш спортчиларнинг тажрибаси ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Ҳиндистон, Беларусь, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби ўндан ортиқ давлатдан истеъдодли теннисчилар иштирок этмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **БМТ демография бўлимининг раҳбари Жон Уилмотнинг Сиэтлда ўтказилган статистиклар конференциясида таъкидлашича, ер куррасининг аҳолиси йигирма биринчи аср охирига келиб ҳозирги 7,3 миллиард кишидан 11,2 миллиардгача кўпайиши мумкин. БМТ экспертларининг фикрича, куррамиз аҳолисининг ўсиши фақат Сахарадан жануброқда жойлашган Африка мамлакатларида туғилиш камайиши муносабати билангина пасайиши мумкин.**
- **Халқаро энергетика агентлиги томонидан маълум қилинишича, жорий йилда нефтга бўлган талаб сўнгги беш йилга солиштирганда энг юқори суръатда ўсмоқда. Чунончи, 2015 йилда углеводород хом ашёсининг кунлик эҳтиёжи 1,6 миллион баррель ортади ва 99,2 миллион баррелга етади. Прогнозларга қараганда, 2016 йилда ҳам углеводород хом ашёсига бўлган кунлик эҳтиёж яна 1,4 миллион баррелга кўпаяди.**
- **АҚШнинг Калифорния штатидаги Скриппс институти олимлари чекишни ташлашга ёрдам берувчи "Pseudomonas putida" деб номланган бактерияни кашф этишди. Ушбу бактерия организмда никотинни таназзулга олиб келувчи NicA2 махсус ферментига эга. Олимлар яқин келажакда ушбу фермент асосида чекишни ташлашга ёрдам берувчи воситани ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.**

# ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: ЯРАТУВЧАНЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ САМАРАЛАРИ















**Иқтисодиёт**

## ИЗЛАНИШ МУВАФФАҚИЯТ ПОЙДЕВОРИ

***Сафаримиз давомида биз туман ҳудудида фаолият олиб бораётган "Экотранс мобиль" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. Бизларни тижорат ишлари бўйича директор Абдуллоҳ Ходиев корхонанинг фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури, бугунги кунда эришаётган ютуқлари хусусида таништириб ўтди.***

Бугунги давр талабига жавоб берадиган сифатли ва замонавий маҳсулотларни аҳолига етказиб бериб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига имкон қадар ўз ҳиссасини қўшаётган "Экотранс мобиль" масъулияти чекланган жамиятида асосан катталар ва болалар учун уч ва икки ғилдиракли велосипедлар, омборхоналар ва шифохоналар учун металл жиҳозлар, металл мебеллар, уч ғилдиракли юк ташиш велосипедлари ишлаб чиқарилади.

— Корхонамизнинг ташкил топганига эндигина бир йил ўтган бўлсада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бугунги кунда ички бозорларимизда талаб катта, — дейди "Экотранс мобиль" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори Абдуллоҳ Ходиев. – Маҳсулотларимизни яқин келажакда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларга экспорт қилишни режалаштиряпмиз.

Яхши ният, изланиш ва интилиш истиқболли келажакнинг пойдеворидир. Умид қиламизки, яқин келажакда "Экотранс мобиль" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан жаҳон бозорлари расталарида ўз ўрнига эга бўлади.

***Инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, тез ва сифатли даволаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида давлатимиз томонидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда.***

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Шаҳар онкология диспансери пойтахтимиздаги 11 та туманга малакали онкологик тиббий ёрдам кўрсатиш, онкологик беморларни диспансер назоратига олиш, оилавий поликлиникалар ҳамкорлигида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, беморларни тез ва сифатли даволаш, ташхисни тўғри ва аниқ қўйиш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида юртимизда инсонлар саломатлигини асраш, муҳофазалаш ва яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш мақсадида изчил ва самарали ишлар олиб борилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар онкология диспансери бош шифокори тиббиёт фанлари доктори, профессор Ғафур Ахунов биз билан суҳбатда. — Зеро, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилиши негизида инсонларнинг бахтли, саодатли, осойишта ҳаёти мужассам. Асосий вазифамиз кишилар саломатлигини яхшилаш, онкологик касалликларнинг олдини олиш, хасталикка чалинганларга малакали хизмат кўрсатишдан иборат.

Қувонарли томони шундаки, Мустақиллик шарофати билан мазкур шифохона дунё стандартларига жавоб берадиган энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоблари билан жиҳозланди. Сўнгги уч йилда шифохона ҳудудида 2 та боғ ташкил қилинди, бу эса беморларнинг тоза ҳавода дам олишлари ва сайр қилишларига имкон яратиб берди. Жорий йилда тиббиёт муассасасида болалар онкологи, кимётерапевт ва радиолог хоналари ишга туширилди, барча бўлимлар жорий таъмирдан чиқарилди. Келгусида бундай самарали ишлар изчил давом эттирилади.

***Мамлакатимизда ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатидан янги, юксак поғонага олиб чиқиш, ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларига бўлган қизиқиш ва билимларини янада мустаҳкамлашнинг юксак самараларига эришиш, ўқитиш методикасини дунё стандартларига мослаш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.***

**Таълим**

## КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

Чилонзор тиббиёт коллежида ҳам ёшларнинг касб маҳорати ва замонавий билимларини ошириш борасида мақсадли ишлар бажарилмоқда.

— Юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ кафолатлаш, уларнинг таълим олиши ва бандлигини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда, — дейди Чилонзор тиббиёт коллежи директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳусниддин Раҳмонов биз билан суҳбатда. — Ёшларнинг келажакда ўз соҳаларининг етук мутахассиси бўлиб етишишлари, танлаган касбларини мукаммал даражада эгаллашлари учун аввало улар кунт билан ўқишлари, изланишлари лозим. Ўқув муассасамизда ёшларнинг билим даражасини ошириш, онгу тафаккурини теранлаштириш, касбига бўлган қизиқишини орттириш ҳамда келажакда ўз соҳасининг етук билимдони бўлиб етишишига кўмаклашиш мақсадлари қамраб олинган.

Чилонзор тиббиёт коллежида бугунги кунда 3265 нафар ўқувчига 172 нафар малакали ўқитувчилар назарий ва амалий билимларини оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Комила Абдураҳмонова, Дилрабо Акбархўжаева, Абдужаббор Абдураҳмонов, Озод Шукуров, Атхам Искандаров, Гулчеҳра Шамсиддинова, Нодира Назарова каби тажрибали ўқитувчилар шулар жумласидандир. Таълим муассасасида ҳамширалик иши, даволаш иши ва стоматология йўналишлари бўйича билим бериш баробарида ёшларнинг маънавий, маданий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда ўқув муассасасининг 9 нафар ўқувчиси грант асосида олий ўқув юртларига қабул қилинди. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларига асосланган дарс усули ҳамда уларга доир тарқатма материаллар, технологик хариталар педагог ходимлар томонидан ишлаб чиқилган ва уларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, ёшларни эзгулик ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, таълим сифатини яхшилаш уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб камолга етишлари учун барча шароитлар яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Бугунги кунда ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган ўқув муассасасида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун бекиёс имкониятларга эга. Бир сўз билан айтганда, Чилонзор тиббиёт коллежига ташрифимиз доирасида, ушбу ўқув муассасасида тиббиёт соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга етарлича замин яратилганлигига амин бўлдик.

**Маҳалла**

## ИБРАТЛИ ИШЛАР КЎЛАМИ ОШМОҚДА

***Тумандаги "Чилонзор" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марҳамат Мақсудова жорий йилнинг июль ойида ўтказилган "Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Республика босқичида фахрли биринчи ўринга сазовор бўлиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди.***

Туманга сафаримиз давомида "Чилонзор" маҳалласига ҳам ташриф буюрдик. Бизни диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Марҳамат опа самимият билан кутиб олар экан, ўзи сазовор бўлган ютуқларнинг моҳияти ҳақида эмас, балки маҳаллада олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Анвойи гулларнинг ифори анқиб турган кўркам ва нурафшон, обод маҳаллада мустақиллигимизнинг 24 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Олти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бу масканда 23 та кўча, 23 та кўп қаватли, 634 та якка тартибдаги уйлар мавжуд. 14 та савдо дўконлари, 2 та ўқитиш ва ўргатиш маркази, 4 та шифохона ва хусусий клиника, 12 та хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, тўртта болалар ва битта катталар спорт майдончалари, 8 та овқатланиш шохобчаси ҳамда битта тўйхона ва маросимлар маркази аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Маҳаллада турли мавзулардаги барча тадбирлар фаоллар ва аҳоли уюшқоқлигида ташкил этилади, барча байрамлар ва қутлуғ саналар кенг нишонланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу маҳалла нафақат туманда, балки шаҳар миқёсида ҳам барчага ибрат ва намуна кўзгуси ҳисобланади.

**Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатимиз енгил саноати ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу соҳа ҳақли равишда иқтисодиётимизнинг кўп йўналишли ва инновацион жозибадор муҳим тармоғи ҳисобланади. Бугун мазкур соҳада энг замонавий техника билан жиҳозланган 300 тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж корхоналарини бирлаштирган "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналар орасида хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳам кўп.

Соҳа корхоналари томонидан кенг турдаги калава, матолар, тикувчилик, тикувчилик-трикотаж ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Ушбу хилма-хил маҳсулотлар замонавий дизайни ва юқори технологик хусусиятлари билан ажралиб туриши боис халқаро бозорда харидоргирлиги ортиб, нуфузли брендлар билан рақобатлашмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2020 йилга қадар енгил саноат тармоғида қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ саксондан зиёд лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бунинг учун 2015-2020 йилларда тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши етиштирилаётган пахта толасини мамлакатимизда қайта ишлаш даражасини 60 фоизга етказиш ва енгил саноатнинг экспорт салоҳиятини 1,8 баробардан кўпроқ ошириш имконини беради.

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси истиқболдаги вазифаларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳар йили ташкил этилаётган ушбу ярмарка жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларни ўзига жалб қилмоқда, пахта ва тўқимачилик бизнесида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Масалан, 2005 йилги пахта форумида дунёнинг 30 мамлакатидан саноат ва савдо фирмаларининг 170 вакили иштирок этган бўлса, 2014 йилда 50 га яқин давлатдан мингдан ортиқ компания ва фирмалар вакиллари қатнашди. Форум якунлари бўйича мамлакатимизда етиштирилган 580 минг тонна пахта толаси ва қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш шартномалари тузилди.

Пахта ярмаркасида ҳар йили иштирок этиб келаётган халқаро компаниялар вакиллари ва таниқли экспертлар ишлаб чиқариш ва истеъмол, Ўзбекистон ва жаҳонда савдо ҳамда инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришга доир кенг кўламли масалаларни муҳокама этмоқда, Ўзбекистон пахтасининг сифат кўрсаткичлари билан танишиб, уни харид қилиш юзасидан шартномалар тузмоқда. Бундан ташқари, иштирокчилар пахта толасидан фойдаланиш бўйича етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлмоқда.

Тадбир нуфузининг муттасил ортиб, иштирокчилар, жумладан, хорижий қатнашчилар сони кенгайиб бораётгани инобатга олинган ҳолда, ярмарка ташкилотчилари унга алоҳида ҳозирлик кўрмоқда. Жорий йилда ҳам ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси ва бошқа тузилмалар кўмагида ташкил этилади.

Кўргазма майдонларида асосий тадбирлар ўтказиладиган "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма компанияси ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Ярмарка иштирокчилари учун барча қулайликлар яратилади. Сервис маркази, музокаралар зали, шартномалар тузиш учун махсус хоналар халқаро талаблар асосида жиҳозланади.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси форум доирасида мамлакатимиз енгил саноати салоҳиятини, жумладан, тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар, қулай инвестиция муҳити, малакали кадрлар ва хомашё ресурслари мавжудлиги, ривожланган ишлаб чиқариш, молия-банк, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари тақдимот маросимларининг юксак савияда ўтказилишини таъминлайди.

"Cotton Outlook" халқаро нашриёти кўмагида Ўзбекистон пахта ва енгил саноати, пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари ва бу борада эришилган сўнгги ютуқларга бағишланган махсус нашр чоп этилади.

Шунингдек, ярмарка доирасида турли тадбирлар, жумладан, технология ва дизайн соҳасидаги сўнгги инновацион таклифлар тақдим этилади, халқаро конференция ва семинарлар ўтказилади, либослар коллекцияси намойиш қилинади.

Мухтасар айтганда, XI Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси мамлакатимиз пахта ва енгил саноатининг жадал ривожланаётгани, жаҳон бозорида Ўзбекистон пахтасининг рақобатбардошлиги муттасил ошиб бораётганининг ёрқин тасдиғига айланади, хорижий шериклар сафини сезиларли равишда кенгайтириш имконини беради.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

Қонун кучга кирди

# ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШИРИЛДИ

***Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишларига доимо алоҳида эътибор билан қаралиб, бу ишни тубдан яхшилаш чоралари кўриб келинмоқда. Мақсад эса битта, у ҳам бўлса одамлар ҳаётини асраш, уларнинг мол-мулклари дахлсизлигини таъминлашдир.***







Маълумки, тараққиёт ҳар бир соҳага ўз таъсирини ўтказади. Тараққиёт туфайли изланишлар, янгиланишлар жорий этилади. Айниқса, ҳозирги техника ва технологиялар ривожланган асрда бу жуда ҳам муҳимдир. Шу маънода олганда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишига янги ахборот коммуникацион тизимларнинг жорий этилиши кўзланган мақсадга етиш омилларидан бири ҳисобланади. Янгиликлар жорий этилиши билан бир қаторда мавжуд қонун ва қоидаларга, белгиланган меъёрларга ҳам замон талабига мос равишда ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиб борилади. Куни кеча қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги Қонун ҳам фикримиз далилидир.

Биз ушбу Қонун ва унга киритилган ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

**— Холматжон Аҳмедович, маълумки, Сиз ушбу Қонуннинг тайёрланишида бевосита иштирок этдингиз. Унинг қабул қилинишига сабабчи бўлган омиллар тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.**

— Қонун ва қоидаларга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар — бу аввало замон талаби. Бундан мақсад ривожланаётган жамият билан ҳамқадам бўлиш, қолаверса, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизликларини таъминлаш, бу ишнинг самарадорлигини ошириш ва энг муҳими, инсонлар ҳаётини асрашдир. Транспорт воситалари сони кундан-кунга кўпайиб бораётган бир шароитда бу ишни кўнгилдагидек бажариш учун доимо изланиш, янгиликлар яратиш, ташаббускор бўлиш талаб этилади. Маълумки, бизнинг асосий ишимиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган. Бу ишни тубдан яхшилаш учун эса кўрсаткичларимизни доимий таҳлил қилиб бориш ва унинг натижаларидан келиб чиқиб, ишни яхшилаш чораларини кўришимиз керак. Мазкур Қонун ҳам ана шу таҳлилларимиз асосида ишлаб чиқилган.

Барчамизга яхши маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларида инсонларнинг ўлимига ва тан жароҳати олишларига сабабчи бўладиган асосий омил – бу белгиланган тезлик талабларига риоя этмасликдир. Агар таҳлилларимизга назар ташлайдиган бўлсак биргина 2014 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 35.3 фоизи белгиланган тезликка риоя этмаслик оқибатида юз берган. Бундан кўринадики, айнан мана шу йўналишдаги ишларимизни тубдан ўзгартиришимиз ва бу ишга замонавий техник воситаларни жалб этишимиз керак. Биз худди ана шундай иш тутдик. Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада аниқланаётган қоидабузарликлар сони ошгани ҳолда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига эришилди.

Жумладан, "Крис-П", "Арена", "Искра видео-2" каби фоторадар ва мобиль комплексларнинг қўлланилиши натижасида охирги 5 йил ичида йўл-транспорт ҳодисалар сонининг сезиларли даражада камайтиришга эришилди. Аниқроқ айтадиган бўлсам, йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 506 тага камайди. Балки бу рақамлар кимларгадир арзимасдек бўлиб туюлар, аммо улар ортида инсон ҳаёти турганлигини инобатга оладиган бўлсак унинг аҳамияти ва моҳияти ойдинлашади. Демак, кўраяпсизки, тизимга янги технологияларни жорий этиш ижобий самара беради.

Ҳозирги кунда йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлашган бошқарув тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу тизим биринчи навбатда светофорнинг таъқиқловчи ишорасига бўйсунмаслик ҳамда белгиланган тезлик талабларига риоя этмаслик ҳолатларини автоматик равишда қайд этиб боради. Бу янгилик ҳам белгиланган тезлик талабларини назорат қилиш борасида амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни тақозо этди. Жумладан, илгари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг $128^3$-моддаси 3-қисмига асосан жазо чораларини қўллаш суд идоралари томонидан амалга оширилар эди. Аммо, янги қабул қилинган қонун билан киритилган ўзгартиришларга кўра махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Шу сабабли ҳамда жорий этилаётган компьютерлаштирилган бошқарув тизими орқали ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориш ҳолатларини ҳам автоматик тарзда қайд этиши имкониятидан келиб чиққан ҳолда Кодекснинг $128^3$-модда 3-қисми иккита мустақил қисмларга ажратилди. Унга кўра транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юборишлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солиш тартиби белгиланди ва бундай ҳолатларда жарима солиш ваколати ДЙҲХХ мансабдор шахсларига юклатилди.

Яратилаётган тизимнинг асосий функционал вазифаларидан бири тирбанд ва серқатнов кўчаларда йўл ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги турли ҳуқуқбузарликларни автоматик қайд этиш ҳисобланади. Ушбу автоматик қайд этиш воситаларини ҳаётга самаралироқ татбиқ этиш учун уларни қўллаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган йўл ҳаракати қоидабузарликларини автоматик қайд этиш бўйича кўчма фоторадар ва мобиль комплексларини қўллаш юзасидан тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, йўл ҳаракати устидан видео кузатув ва назорат техник воситаларини қўллаш билан бир вақтнинг ўзида аниқланган ва қайд этилган ҳуқуқбузарликлар содир этган қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш механизмини яратиш зарурати юзага келди.

Мазкур механизмнинг тўлақонли фаолият юритишини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, шунингдек, йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни назорат қилиш ва қайд этишнинг татбиқ этилаётган автоматлаштирилган тизими самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳам Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**— Ҳаракат иштирокчилари билишлари керак бўлган энг муҳим янгиликлар нималардан иборат?**

— Биринчидан, автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳар қандай йўл ҳаракати қоидалари бузилган жойни, вақтини, транспорт воситасининг давлат рақам белгисини қайд этади. Лекин, тизим айнан йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчининг шахсини аниқлаш имкониятига эга эмас.

Битта транспорт воситасининг бир нечта шахс томонидан бошқарилишига имкон берилганлиги (ишончнома, ижара шартномалари, лизинг) айнан қоидабузарликни содир этган шахсни аниқлаш ишларини чигаллаштиришга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолат айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципининг таъминланишига салбий таъсир ўтказади.

Шу сабабдан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс қоидаларининг бузилишини фото ва видео қайд этиш имкониятига эга бўлган автоматлаштирилган махсус техник воситалар ёрдамида ҳуқуқбузарлик аниқланганда транспорт воситасининг эгасини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи $17^1$-модда билан тўлдирилди.

Бунда қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олинмаслиги, агарда транспорт воситасининг эгаси ўзининг айбсизлигини исботласа ёки қонунчиликка зид равишда транспорт воситасини бошқа шахс бошқарганлиги аниқланганда транспорт воситаси эгасининг жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган. Бундан кўринадики, эндиликда транспорт воситасини "ишончнома" орқали бошқа шахсга бериш унчалик ҳам ишончли ва мақбул йўл ҳисобланмайди.

Иккинчидан, автоматлаштирилган тизимнинг марказлашган ҳолда, "он-лайн" режимида ишлашини инобатга олган ҳолда аниқланган қоидабузарликни расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) маъмурий баённома расмийлаштирмасдан ДЙҲХХ мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси 3 кунлик муддат ичида транспорт воситаси эгасининг номига юборилади.

Бунда автоматлаштирилган тизим орқали олинган маълумотларнинг маъмурий иш бўйича далил сифатида қабул қилиниши назарда тутилган. Шу сабабдан Кодекс $309^1$-модда билан тўлдирилди. 276-, 283-моддаларга ўзгартишлар киритилди.

2) йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳуқуқбузар томонидан жариманинг ихтиёрий тўлаш муддатини жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб 60 кун муддат ичида тўланишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Ҳуқуқбузар ушбу муддатда жаримани тўлашдан бош тортган ҳолда ДЙҲХХ органлари томонидан транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдонига жойлаштирилади ҳамда ҳуқуқбузар белгиланган жаримани тўлиқ тўламагунга қадар автомобиль жарима майдонида ушлаб турилади. Қабул қилинган янги Қонун ДЙҲХХ органига мана шундай ваколатни беради. Шу сабабдан Кодекснинг 332-, 291-моддаларига ҳам қўшимчалар киритилди.

3) янгилик жорий этилганидан кейин унга тўсқинлик қилишга интилувчилар ҳам топилади, яъни айрим қоидабузар ҳайдовчилар айбини яшириш учун давлат рақам белгиларини турли йўллар билан беркитиш, кўринишини чеклаш каби бир қатор қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатларни содир этишга уринишади. Бундай ҳолат нафақат бизда, балки ривожланган хорижий давлатларда ҳам кузатилган. Шу сабабли давлат рақами белгиларининг кўринишини чеклайдиган, уларни тўғри идрок этиш учун тўсқинлик қилувчи нарсалар ва қопламалар ўрнатганлик учун жавобгарлик белгиланди. Бунда ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — беш баравари миқдорида жарима солиш ҳамда транспорт воситасини ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар вақтинча ушлаб туриш назарда тутилган. Шу сабабли Кодекснинг 127-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Учинчидан, маълумки, Кодекснинг 36-, 271-моддаларига асосан маъмурий жазо (жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг маъмурий иш тўхтатилиши лозим.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ишга туширилиши билан қоидабузарлик содир этган шахсни аниқлаш, иш ҳужжатларини бир ҳududдан иккинчи бир ҳудудга юбориш, маъмурий иш материалларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетиши мумкин, натижада белгиланган муддат ўтиб кетиб, маъмурий ишнинг тугалланишига сабаб бўлиши мумкин. Биз ана шу йўналишда кўплаб давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб чиқдик.

Бир қатор ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Хитой, Россия давлатларида маъмурий жазо қўллаш муддати ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача эканлиги, бу эса айб учун жазо муқаррарлиги принципини таъминлаши маълум бўлди. Шу сабабдан Кодекснинг 36-моддасида маъмурий жазо қўллаш муддати бир йил этиб белгиланди.

Тўртинчидан, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини автоматик равишда аниқлаш учун махсус техник воситалардан фойдаланилиши, бундай тизимнинг ўзига хослиги, бунда такрорийликнинг инобатга олинмаслиги, ваколатли органларга оид ишларнинг алоҳида кўриб чиқилиши, шунингдек судларнинг иш ҳажмларини инобатга олган ҳолда кодекснинг 28, $128^3$, 245, 248, 256 ва 294-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Яъни, маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд, ички ишлар ва мудофаа органларига тааллуқли моддаларга аниқлик киритилди.

Бешинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ёки асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этиш, қоидани бузган бошқа шахсни умумий асосларда жавобгарликка тортиш учун Кодекснинг 321-моддасига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Умуман олганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс 2 та янги модда билан тўлдирилиб, 13 та моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишилган ҳолда Миллий хавфсизлик хизмати, Олий суд, Адлия вазирлиги ҳамда Бош прокуратура билан ҳамкорликда тайёрланди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди ва жорий йилнинг 29 июль куни қабул қилинди ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан 6 август куни маъқулланди. Қонун шу йилнинг 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, кучга киритилди.

Ўйлаймизки, янги Қонун ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизликларини таъминлаш ишларини сифат жиҳатидан янги поғоналарга кўтаради. Ҳамма гап унинг талабларини сўзсиз бажаришда.

**Суҳбатни Мансуржон РИХСИЕВ ёзиб олди**

# ЭКОЛОГИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

***Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда аҳолининг фаоллигини кучайтириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ташкилотлари мутахассислари, маҳаллалар фаоллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Қурбонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқариш жараёнларини замонавийлаштириш, экологик соф технологияларни амалиётга татбиқ этиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан барқарор фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ва замон талабидан келиб чиқиб мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бундай изчил ишлар натижасида кейинги йилларда чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш соҳаси ривожланмоқда. Сув, ҳаво ва тупроққа ташланаётган чиқиндилар миқдорини камайтиришга эришилаётир.

2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қонунда экологик назоратни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланган. Унга кўра давлат ташкилотлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳам экологик назорат жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундан мақсад атроф-муҳитга салбий таъсир этадиган ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг фаоллигини ошириш, фуқаролар, айниқса, ёшларда атроф-муҳит ва табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини кучайтириш, экологик муаммоларнинг ечимини топишда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдир.

Ушбу мавзуга бағишлаб Учтепа туманида ташкил этилган семинарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилганда фуқароларнинг тегишли давлат органларига мурожаат қилиш тартиби каби масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда юртимизда экологик дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги самаралари, ёшларни бу борадаги миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашда "оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлиги доирасидаги ишлар юзасидан фикр алмашилди.

– Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда маҳалла тизимида ҳам муайян ишлар олиб борилаётир, – дейди тумандаги "Ўткир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидулло Азизов. – Маҳалламизда бу соҳадаги ишларни ташкил этишда экология комиссиясининг ўз ўрни бор. Ушбу семинарда бу соҳадаги ишларимизни янада ривожлантириш, жамоат экологик назоратини юритиш борасида кўплаб маълумотларга эга бўлдик.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Диққат! Диққат! Диққат!*
*Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Якубова кўчаси, 50-уй манзилида жойлашган қўшма корхона шаклидаги "STROYSERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 21,04 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич нархи – 18 350 000 000 сўм;**

Балансда сақловчи: қўшма корхона шаклидаги "STROYSERVICE" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali", Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

**Аукцион савдоси 2015 йил 21 сентябрь куни, соат 15:00 да ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2015 йил 6, 20 октябрь, 3, 17 ноябрь, 1, 16, 30 декабрь, 2016 йил 14, 28 январь, 11, 25 февраль, 10, 24 март кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингизни сўраймиз.

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

*ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!*

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

*ТДТУ қошидаги 3-сонли академик лицей биносида жойлашган ошхона танлов асосида ижарага берилади. Танлов 2015 йил 24 августда лицейда ўтказилади.*

*Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси, Гёте кўчаси, 54-уй.*

Мурожаат учун телефонлар: 265-06-54, 266-37-66.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади.

1. Олий педагогик маълумот (ижтимоий-гуманитар фанлар) тўғрисидаги дипломнинг асли ва нусхаси.
2. Тошкент шаҳрида доимий рўйхат билан паспорт нусхаси.
3. Таржимаи ҳол.
4. Илмий унвони тўғрисида диплом (мавжуд бўлса).

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, 174-уй.

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15-17 август** ва **18 август** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

